

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5120300 – *Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)*
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ

Буйруқ № 418

19.08 2020 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Миллий университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3-сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 100 000 – Гуманитар таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
2.3. Касбий квалификациялар.....	7
3. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2. 5120300 – <i>Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	7
Библиографик маълумотлар.....	8

1. 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида таълим йўналишига оид фанларни ўрнатилган тартибда ўқитиш, тарихий тадқиқотлар билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари; давлат бошқарув органлари; давлат музейлари; нотижорат ташкилотлари; тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказларида комплекс масалаларни ечиш мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– тарих соҳасига доир назарий муаммолар, Ўзбекистон ва жаҳон халқлари маданияти тарихи, тарихий обидалар, тарихий манбалар, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, жамиятнинг турли соҳалари ва уларнинг ривожланиш тарихи, миллатлараро этник муносабатлар, моддий ва маънавий маданият, умумий ўрта ва ўрта-махсус касб-хунар таълим тизимида таълим тарбия жараёни ва ҳоказо.

1.2.3. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий – маърифий фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолият;*
- *турли хизматлар кўрсатиши ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

1.2.4. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазибалари.

5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазибаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

– ЎМКҚТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

– ЎМКҚТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари, жумладан ўқув устахонларида ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– нодавлат ва нотижорат ташкилотларда, хусусий тадбиркорлик субъектларида маънавий-маърифий ишлар бўйича менежер сифатида фаолият юритиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

– тарих ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётларни экспертиза қилиш бўйича эксперт сифатида қатнашиш;

– тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид турли тадқиқотларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ амалиётларни ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда уларга оид адабиётларни экспертиза қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

– махсус адабиётлар ва бошқа тарихга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганатиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, тарихий адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашади;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашади.

Маънавий-маърифий фаолиятида

– Ёшлар иттифоқи ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– Тарих фани соҳасига оид мавзуларда маънавий марказларида маърузалар ташкил этиш;

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

– Умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бера олиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

2. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, гуманитар илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур

хамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.3. Касбий квалификациялар:

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи ва Дунё динлари тарихи, Миллий истиқлол ғояси, Маънавият асослари фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

Моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш масалалари билан боғлиқ тадқиқот ишларида тадбиқ этиш;

Ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

Музейларда, ахборот-ресурс марказларида турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ва шу кабиларда фаолият юритиш;

Тарих фани ўқитувчиси, жамиятшунослик фани ўқитувчиси, ўлкашунос, архившунос, музейшунос, тарбия фани ўқитувчиси, гид-экскурсовод бўлиб ишлаш.

3. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафтагача давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Инновация, электрон манба, электрон кутубхона, масофавий таълим, хронология, метрология, фан ва техника, антропогenez, археология, этнология, Ўзбекистон тарихи, даврлаштириш, давлатчилик, термачилик, овчилик, уруғ жамоалари, ҳарбий демократия, ҳарбий қабила иттифоқи, цивилизация, дипломатия, ўлкашунослик, тарихий география, геосиёсат, суверенитет, варварлар, тенденция, абсолютизм, трансформация, консолидация, мезей, архив, манбашунослик, тарихшунослик, тариқат, тасаввуф, маданият, санъат, таълим технологиялари, халқаро муносабатлар, сиёсий таълимотлар, алломалар, этногенез, этник тарих, методология, тарих фалсафаси.


Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети
Ректор  А.Р.Марахимов
202_йил « ____ » _____

М.Ў.


КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази
Директор  З.Х.Хакимов

202_йил « ____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

Директор  А.Зиё
201_йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти
Ректор  Г.Ш.Рихсиева

202_йил « ____ » _____

М.Ў.